

ҚАНЧА КЎП ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛСА, ОДАМЛАР ШУНЧАЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17 март куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.



Самарқанд вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан бири ҳисобланади. Республика-мизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, шаҳар ва қишлоқларининг кун сайин ўзгариб, обод бўлиб бораётгани, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалаётганида ҳам ўз ақсини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда вилоятга ташриф-лари чоғида Самарқанд шаҳри ва бошқа туман, шаҳарларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари-ни кенг қўламли давом эттириш, туризм, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўр-сатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан вазифаларни белгилаб берган эди. Мазкур топшириқлар ижроси доираси-да улкан ишлар амалга оши-рилди. Янги sanoat корхонала-ри, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ошди. Замонавий уй-жойлар, инфратузилма объект-лари бунёд этилди. Ташрифлар чоғида тақдироти ўтказилган 15 та лойиҳа ишга туширилди, 18 таси бўйича белгиланган

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда олиб борилаётган бу каби ишлар, белгиланган вазифаларнинг ижроси ва лойиҳаларнинг амалий натижа-си Президентимизнинг доимий эътиборида.

Давлатимиз раҳбари Самар-қанд вилоятига ташрифини Имом Бухорий мажмуаси зиёратидан бошлади.

Ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

Буюк мутафаккир бобомиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорий хоки мангу кўним топган ушбу маскан ислом маъ-рифати ва аждодларимизнинг муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб қилувчи улуғ зиёратгоҳдир. Халқимиз маънавий ҳаётидан чўқур ўрин олган ушбу гўшани реконструкция қилиш ва узок-яқин давлатлардан келадиған зиёратчилар учун янада кўркам қадамжого айлантириш юзаси-дан кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Президентимиз 2017 йил ноябрь ойида мажмуага ташриф буюрганида бу борада амалга оширилаётган ишлар концепцияси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берган эди. Шу асосда мажмуани реконструкция қилиш ҳамда

ушбу масканга зиёрат туризми бўйича келувчи сайёҳлар учун барча хизмат турларини қамраб олувчи меҳмонхона ва инфра-тузилма объектлари қуриш бўйича лойиҳа-таклифлар тайёрланди.

Шавкат Мирзиёевга шу ҳақда маълумот берилди.

Лойиҳага кўра, таъмирлаш ишларини мажмуа ҳудудини уч қисмга ажратган ҳолда, бос-қичма-босқич амалга ошириш мўлжалланган. Аввало, ёдгор-ликнинг олд қисмини икки қават қилиб кўтариш, масжидни кен-гайитириш, 250 ўринли зал, юқори мартабали меҳмонлар-ни қутиш хоналарини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мажмуа рўпарасида меҳмон-хоналар, бозор, гипермаркет, савдо ва маиший хизмат маж-муалари, кафе ва чойхоналар, миллий ҳўнамандлик устахо-налари, спорт майдони қуриш режалаштирилган. Ушбу ҳудуд ва мажмуа ўртасида фаввора-лардан иборат 850 метрлик аллея, унинг ёнида француз услубида ландшафт дизайни асосида баҳаво йўлақлар бар-по этилади. Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида мажмуа яқинида маҳаллий ва вилоятлараро йўналишларда қатновчи автобуслар учун автовокзал ҳамда 700 ўринли автомобиллар тўхташ жойи

қурилади, мажмуага олиб борувчи йўл бўйида қишлоқ аҳолиси учун икки қаватли тураржойлар бунёд этиш белгиланган.

Бу ишлар амалга оширилгач, зиёратгоҳда бир вақтнинг ўзида 3-4 минг сайёҳга замонавий хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

— Биз юртимизда зиёрат ту-ризмни ривожлантиришга ало-ҳида эътибор беришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мазкур концепция лойиҳаси-ни яна бир бор синчиклаб кўриб чиқиш, мажмуанинг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ҳам-оҳанг бўлишига эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари вилоят-га ташрифи доирасида Оқдарё туманидаги “Даромад бахт омад” масъулияти чекланган жамияти томонидан гидропони-ка усулида ташкил этилган иссиқхона билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-лар билан сўхбатлашди.

Гидропоника, бу — ўсимлик-ларни сунъий муҳитда тупроқ-сиз етиштириш усулидир. Унда ўсимликлар озқукани илдиэла-рини ўраб турган эритмадан олади.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжа-лиги салоҳиятини янада оши-риш, озик-овқат хавфсизлиги-

ни таъминлаш ҳамда экспорт-боп маҳсулот етиштириш мақсадида барча ҳудудларда гидропоника усулида иссиқ-хоналар ташкил этилмоқда.

Ихчам ва самарадор бундай иссиқхоналар юқори сифатли полиз маҳсулотлари етишти-риш, минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Бундай иссиқхонанинг яна бир афзаллиги шундаки, унда махсус унумдор ерга зарурат йўқ. Тўлиқ автоматлаштирилган назорат тизими билан бошқа-рилади. Жойдан максимал да-ражада фойдаланиш имкония-ти мавжуд. Маҳсулот етишти-риш учун сарфланадиган эне-ргия ресурслари анча арзон. Тежамкор усулда сўғориш ва озиклантириш тизими мавжуд.

“Даромад бахт омад” масъу-лияти чекланган жамиятида ҳозир 4 гектар майдонда гид-ропоника усулида ташкил этил-ган иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 22 доимий, 30 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилган. Иссиқхо-нанинг дастлабки ҳосилидан 220 тоннадан ортиқ маҳсулот йиғиштириб олиниб, унинг қарийб тенг ярми Россия ва Қозғисонга экспорт қилинади.

— Оқдарё туманини пахтадан озод қилдик, — деди Президент. — Туманинг зах, тошлоқ ерларига гидропоника жуда мос. Бундай иссиқхона-ларни кенгайтириш, нима бозорбоп бўлса, шуни киши керак. Бу йўналишни ривож-лантириш учун мутахассислар тайёрлаш зарур.

Шу ерда Самарқанд вилоя-тида паррандачилик, чор-вачилик, балиқчилик, асалари-чилик ва бошқа тармокларни ривожлантириш, мева-сабзавот етиштириш ва экспорт қилиш-ни кўпайтириш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Президент лойиҳалар қамро-вини ошириш, ишбилармонлар-ни қўллаб-қувватлаш бўйича парранда учун зарур озўка бўлишини таъкидлади. Мазкур йўналишдаги ишларни кенг қўламли давом эттириш ва ривожлантириш учун соя етиш-тирувчилар ассоциациясини тузиш бўйича кўрсатма берди.

Президентимиз Оқдарё тума-нидаги “Муштарий Оқдарё” масъулияти чекланган жамияти-га қаршали тикувчилик фабри-касида ҳам бўлди. Ўтган йили ноябрда иш бош-лаган ушбу корхонада хотин-қизлар ва болалар учун 20 хил-га яқин трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Табиий матодан тайёрланаётган сифат-ли кийим-кечакларнинг асосий қисми Россия, АҚШ ва Қозғис-

тонга экспорт қилинмоқда. Бу ерда айни пайтда 500 га яқин хотин-қизлар, жумладан, коллеж битирувчилари меҳнат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев фабрика-нинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, маҳсулотларни кўздан кечириб, ходимлар билан сўхбатлашди. Бундай замонавий корхоналар иқти-содийётни барқарорлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш-да муҳим ўрин тутишини, шу каби фабрикаларни ҳар бир туманда камида иккитадан ташкил этиш, трикотаж клас-терлари яратиш зарурлигини таъкидлади.

— Биринчи навбатда, иқти-соди нисбатан оғир бўлган Қўшрабoт, Нуробод сингари ту-манларда бу каби трикотаж кор-хоналарини ташкил қилишимиз керак, — деди Президентимиз. — Етиштирилаётган пахта ҳоси-лини имкон қадар вилоятлар-нинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотишни йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан фой-дали бўлади. Қанча кўп иш ўрни яратсак, аҳоли биздан шунчалик кўп рози бўлади, турмуш фаро-вонлиги яхшиланади.

Шу ерда “Ургут” эркин иқти-содий зонасида амалга ошири-лаётган лойиҳалар, вилоятда ташкил этиладиган кичик сано-ат зоналари ва ихчам гидро-энергетика станциялари лойи-ҳалари тақдироти ўтказилди. Каттакўрғон шаҳри мисолида Жаҳон банки иштирокида кичик ва ўрта шаҳарларни ривож-лантириш дастури ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа ва дастурларни ўз вақ-тида амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Самарқандда “КамАЗ” авто-мобиллари ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишув чоғида Президентимиз маҳал-лийлаштириш, автомобиллар экспортини ошириш лозимли-гини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Иштихон тумани “Хўмо” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Хина қишлоғида “Иштихон томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томор-қа ер эгалари фаолиятини яна-да ривожлантириш бўйича таш-килий чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарори аҳоли даромади-ни кўпайтириш, томорқадан унумли фойдаланишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилда ташкил этил-ган жамият юқори навли қўчат ва уруғ етиштириш ҳамда тар-қатиш, зотдор чорва моллари етказиш, аҳоли томорқасига техник хизмат кўрсатиш, ўсим-

ликларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш хизмати-ни ташкил қилиш, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шўғуланмоқда.

Хина қишлоғида 1 минг 200 дан зиёд аҳоли тасарру-фида бугунги кунда 34,2 гектар томорқа мавжуд. Бу ерда томорқадан унумли фойдала-ниш, оила фаровонлигини таъминлаш билан бирга, дастур-хонимиз тўқинлигига муносиб ҳисса қўшаётган тажрибали деҳқонлар кўпчилигини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари мазкур қишлоқда яшовчи Тошқувват Ражабов хонадонига ташриф буюрди.

71 ёшли Тошқувват ота 14 фарзандни эл қорига ярай-диган инсон қилиб тарбияла-ган. Бугунги кунда улар қишлоқ ҳўжалиги, таълим, тиббиёт ва тадбиркорлик соҳаларида юртимиз тараққийоти учун меҳ-нат қилмоқда. Отадан томорқа-сида иссиқхона қуриб, помидор ва бодиринг парваришини йўлга қўйган. Бу йил томорқадан 10 миллион сўм даромад олиш-ни мўлжалламоқда.

Шу ерда “Обод қишлоқ” дас-тури асосида Нуробод тумани, Жом қишлоғини ободонлашти-риш ва кўкаламзорлаштириш, богча, деҳқон бозори, тураржой биноларини таъмирлаш, қишлоқ вранчлик пунктини ре-конструкция қилиш каби муҳим лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

— Томорқадан қишин-ёзин даромад олса бўлади. Бирор қарич ер бўш турмаслиги лозим, аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданиятини оши-ришимиз керак, — деди давлати-миз раҳбари.

Шу куни Пастдарғом тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоя-тини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари қўламини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувват-лаш, аҳоли турмуш даражаси-ни янада ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъмин-лаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аҳолини электр энергияси, табиий газ билан узлуксиз таъ-минлаш, 11 қишлоқлараро ва туманлараро янги автобус йўналишлари очиш, Самарқанд вилоятида қўшимча 642 наму-навий лойиҳадаги арзон уйлар қуриш, аёллар ва ёшлар жино-ятчилигини қамайтириш маса-лалари ҳақида сўз юритилиб, мутасаддиларга бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Президентимизнинг Самар-қанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА.

Сарвар УРМОНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2018 йил 17 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши-нинг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини жорий йил-нинг 29 март куни Тошкент шаҳрида қақариш тўғриси-да қарор қабул қилди. Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда мамлақати-мизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадор-лигини тубдан оширишга, 2017 — 2021 йилларда Ўзе-кистон Республикасини ри-

вожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, ин-новацион гоғялар ва техно-логияларни қўллаб-қувват-лаш йили”да амалга оши-ришга оид Давлат дастури-ни изчил ижро этишга, халқаро ҳамкорлиқни мус-таҳкамлашга қаратилган масалалар киритилмоқда.

“Давлат мукофотлари тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат харид-лари тўғрисида”ги, “Ўзе-кистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғриси-

да”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Ўзбекистон Республикаси уй-жой комму-нал хизмати соҳаси ходим-лари кўнини белгилаш тўғри-сида”ги, “Суд-тергов фаоли-ятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатла-рини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилин-ганини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатла-рига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласи-дандир.

(Давоми 2-бетда).



Муносабат

Умуминсоний қадриятлар куйчиси

Халқимиз дўстлиқни қадрлайди, маърифатни улуғ-лайди. Шу боис бугун узок ҳамда яқин мамлакатлар, жумладан, қўшни давлатлар билан эзгу муносабатлар тарихида янги босқич бошлангани барчамизни беҳад хурсанд қилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 13 мартда имзоланган “Буюк қозоқ шоири ва мута-факкири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрга-ниш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори ҳам ана шу дўстона ришталарни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

Ўзбек ҳамда қозоқ халқла-рида ўхшаш жиҳатлар кўп. Аъналаримиз уйғун, маро-симларимиз ҳамоханг, дили-миз яқин. Шоир ва ёзувчи-ларимиз азалдан ижодий ҳамкорлик қилишган, бир-бирлариникида ака-укадек меҳмон бўлишган. Қозғис-тонда Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Чўлпон, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповни жуда яхши били-

шади. Бизда ҳам уларнинг ижодкорлари, маърифатпар-варларига эҳтиром қатта. Чу-нончи, халқимиз Абайни яхши билади ҳамда бутун ҳаёти давомида элининг орзу-умидлари ва интилишларини қуйлаган, эзгулик, адолат йўлида курашган оқин ҳамда маърифатпарвар сифатида эъзозлайди.

(Давоми 3-бетда).



Нигоҳ

«Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати ва Толибон ўртасидаги тинчлик музокаралари учун янги имкониятлар яратишни истайди»

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги олдинда турган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ўтказилишини маълум қилганидан сўнг кўпгина хорижий оммавий ахборот воситалари ана шундай фикрни билдирмоқда.

“Ўзбекистон шу ой охи-рида бўлажак конферен-цияга дунёнинг энг эътибор-ли дипломатларини тақлиф этди, — дея хабар беради “Reuters” (Буюк Брита-ния) ахборот агентлиги. — Ўзбекистон ҳукумати мазкур конференция мамлакатда миллий ярашув бўйича

афғонистонликлар раҳбар-лигида ҳамда уларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувват-лашига умид қилмоқда”.

“Форумнинг қутилаётган меҳмонлари орасида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, унинг Афғонистон

бўйича махсус вакили Тадамунги Ямамоти, Европа иттифоқи, Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа кўпгина мам-лакатлар ташқи сиёсат маҳ-камаларининг раҳбарлари бор”, деб хабар беради Буюк Британиянинг “Daily Mail” газетаси.

“Афғонистон Президенти Ашраф Ғани асосий маъру-засини тақдим этадиган мазкур учрашувда “Толибон” вакиллари қатнашадими?” деган саволни ўртага ташлайди “Euronews” телеканали.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ

КЕНГАШНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, ялпи мажлисда сенаторлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларини кўриб чиқади.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитида ҳамда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати-

нинг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Ун тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва девони фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Шу билан бир қаторда, Кенгаш аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қўмитати 50 (эллик), 100 (юз), 200 (икки юз) ва 500 (беш юз) сўмлик тангалар чиқариш тўғрисидаги таклифи, уларнинг намуналари ва дизайни кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Жамиятда коррупцияга чек қўйиш учун қандай чоралар кўрилиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган “Коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар самарадорлигини ошириш йўллари” мавзудаги конференцияда ушбу саволга жавоб изланди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Сенат аъзолари, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Бўйс прокуратура, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Юристар малакасини ошириш маркази, тегишли идора ҳамда муассасалар раҳбарлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш билан бир қаторда, унинг самарали ижросини таъминлашга қаратилган вазифалар муҳокама марказида бўлди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори жамият ҳамда давлат ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширишда катта аҳамият касб этаётир.

Таъкидланганидек, 2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш жараёнини жадаллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Анжуманда қайд этилганидек, мазкур жараёни янада жадаллаштириш, кўзланган самарага эришиш учун ҳақи қилинишни лозим бўлган ишлар оз эмас. Жумладан, бу борада “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги,

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, жамиятимизда коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш учун бугун қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг сифатини ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, оқибатларини бартараф этиш, юзага келишига шароит яратувчи омилларни ўрганиш асосида унга қарши курашишнинг аниқ чора ҳамда механизмларини қўллаш давр талабига айланмоқда.

Конференцияда коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар самарадорлигини ошириш ва бу борада давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ўрни, бунда иқтисодий, маънавий-маърифий чораларнинг аҳамияти ҳақида маърузалар тингланди. Тегишли вазирлик ва мутасадди идораларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги масъулиятини кучайтириш, ишлаб чиқалаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, давлат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг шифофоллиги ҳамда самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда интернет ва ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланишга доир амалий таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

Экспертлар фикри

«ЎЗБЕКИСТОНДА ПУХТА ЎЙЛАНГАН ВА УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СИЁСАТ ЮРИТИЛМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви чет эллик таҳлилчилар, таниқли экспертлар, кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда. Мухбиримиз уларнинг фикрларини ўрганди.



Кавказ ва Каспий бўйича тадқиқотлар институти директори Матияс Дорнфельдт (Германия) Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсатини юқори баҳолайди. Узоқ ҳамда яқин қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, минтақавий ва умумбашари муаммоларни ҳал этиш йўлида ҳамкорлик олиб бориш мазкур стратегиянинг “йўналтирувчи тамойиллари”дир.

— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий учрашувлари барча учун бирдек муҳим бўлган масалаларни ҳал қилишда янги имкониятларни топиш, минтақа ичидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, халқларнинг ўзаро мулоқоти учун қулай шарт-шароитлар яратишга имкон беради, — деб ҳисоблайди эксперт. — Нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки узоқ хорих давлатлари ҳам бундан манфаатдордир. Зеро, минтақадаги ҳам-жихатликнинг мустаҳкамланиши бу ерда узоқ муддатли ҳамда ўзаро фойдали лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Марказий Осиёда фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали ҳал этиш мумкин бўлган муаммолар кўп. **Брюсселдаги Осиё тадқиқотлари институти эксперти Альберто Тюркстра** бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Улар орасида экстремизм ва ёшларнинг радикаллашувиغا қарши кураш, чегаралар хавфсизлиги, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, энергетика сингари йўналишларни ажратиб кўрсатиш жоиз. Ўзбекистон таклиф қилган ҳамда ҳамкорлар ёрдамида муваффақиятли йўлга қўйилган маслаҳат учрашувлари механизми мавзуд муаммоларни бартараф этиш учун ақидил ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради”.

Глазго университетининг Марказий Осиё бўйича тадқиқотчиси Лука Анчесса эътироф қилганидек, Остона саммити олдидан Ўзбекистон жадал дипломати таъйёргарлики амалга оширди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатларга таширлилари, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг минтақа мамлакатларидаги ҳамкасблари билан учрашувларини еллатиб ўтар экан, эксперт ушбу мулоқотлар Остона анжуманининг майда тафсилотларигага келишиб олишга шароит яратганини таъкидлайди. Бунинг натижаси ўларок, биринчи маслаҳат учрашуви низоҳатда муваффақиятли ўтди.



Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Тўйлар шунчаки кўнгилочар базм эмас...

Кексаларимиз ҳар гал дуога қўл очганда, элга тинчлик, хотиржамлик, дастурхонга қўт-барак тилиши баробарида, албатта, уй эгасига “Топганингиз тўйларга бюросин”, дея тилка билдиришди. Аслида бу каби ниятлар замирида “Ҳар кимни ҳам тўйга етказсин, барчага фарзандларининг тўйини кўриш насиб қилсин”, деган пурмаъно ҳикмат мукассам.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Шунга қарамай, тўйлардаги дабдабабозлик, исрофгарчилик, шўхратпарастлик каби иллатлар, мана, неча ўн йиллардан буюн халқимизнинг ўткир муаммоларидан бири бўлиб келаётгани ачинарлидир. Бундан бир аср муқаддам маърифатпарвар зиялиримиз бундай қусурлар милли-таъини маънавий таназзул ва қашшоқликка етаклаётгани, тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётгани

ҳақида ёзган эди. Бирок вақт ўтса-да, тўйлар масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Аҳолининг моддий ҳақида ижтимоий фаровонлик даражаси йил сайин юксалиб бораётган бир пайтда бойлигини ортиқча ҳою ҳавасга, дабдабага тўй ўтказишга сарфлаётган, исрофгарчиликка йўл қўётган, бу орқали жамиятимиздаги маънавий муҳитга салбий таъсир этиб, оддий одамларнинг

ғашини келтираётган ҳамюртларимиз кўпайса кўпаймоқдаки, асло қамаймаяпти.

Яқинда Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Нуроний” жамғармаси фаолларининг халқимизга Мурожаати матбуотда эълон қилинди. У шу каби муаммолар ҳамда уларнинг енчимига қаратилгани билан кўпчилик диққатини тортиди.

Бинобарин, Мурожаатда илгари сурилган тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш, тўйдан олдин ва кейин бўладиган керакли-кераксиз тадбирларга, дабдабабозлик ҳамда исрофгарчиликка барҳам беришга оид таклифлар, ҳақиқатан ҳам, ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки тўй-ҳашам билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минглаб оилаларнинг моддий аҳоли ёмонлашувига, уларнинг қарз ва ғам-ташвиш ботқоғига ботишига сабаб бўлиб,



Россиялик сиёсатшунос, Марказий Осиё бўйича эксперт Аркадий Дубнов Ўзбекистоннинг минтақада муҳим ўрин тутишини қайд этади. Республика Марказий Осиёнинг ақсарият мамлакатлари ва Афғонистон билан чегарага эга. Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига сайланганидан кейинги қисқа вақт мобайнида атрафда ўн йиллардан буюн ҳал қилинмаган муаммолар ўз енчимини топганини эксперт юқори баҳолайди. “Тошкентнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликини мустаҳкамлашга қаратилган янгиланган ташқи сиёсати бугун ҳамма эътироф этган реал воқеликка айланди”, дея ишонч билдирди А. Дубнов.

Россиялик ҳамкасбининг фикрини қўллаб-қувватлар экан, **Қозоғистон Биринчи Президенти жамғармаси хузуридаги Жаҳон иқтисодийети ва сиёсати институти тадқиқотчиси Антон Бугаенко** “Тошкент ҳамда Остона сўнгги вақтда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлида ақдиллик ва фаоллик кўрсатмоқдалар”, дея таъкидлайди. “Бизга маълумки, Қозоғистон нафақат Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувини ташкиллаштириш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади, балки тадбирни ўтказиш учун майдон ҳам тақдим этди. Ўйлайманки, мазкур анжуман минтақанинг ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга туртки бўлади”, дейди у жумладан.

Киргизистонлик эксперт Чинаре Эсенгул эса Марказий Осиё улкан иқтисодий салоҳиятга эгалигини эътироф этиб, минтақа мамлакатларининг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиши барчага фойда келтиришини таъкидлайди. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистоннинг бу борада фаоллик кўрсатаётгани эса Тошкент пухта ўйланган ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган сиёсат олиб бораётганидан далолат беради.



Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

«Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати ва Толибон ўртасидаги тинчлик музокаралари учун янги имкониятлар яратишни истайди»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, “**The New York Times**” газетаси (АҚШ)да қайд этилишича, олдинда турган учрашув Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил қилинаётган яна бир кенг қамровли тадбир ҳисобланади. “2016 йили давлат раҳбари лавозимида иш бошлаганида у бой ресурсларга ва 32 миллион аҳолига эга бўлган мамлакатини ташқи дунёга очишга ваъда берган эди”, дея ёзилади мазкур нуфузли нашрда.

АҚШнинг кўп сонли муштарийларга эга яна бир газетаси — “**US News**” Ўзбекистон Тошкент конференцияси ташаббусини кўтариш асосида бир маротабалик тадбирни ўтказиш билан чекланиб қолиш ниятида эмаслигини, ақсинча, Афғонистондаги тинчлик сиёсий жараёнига кўмаклашиш юзасидан икки томонлама ҳамда кўп томонлама асосдаги жиддий саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқчи эканлигини таъкидлайди.

Швейцария миллий телерадиокомпаниясининг халқаро ахборот хизмати (“Swissinfo”) АҚШ Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубида “Ўз маъмурияти Тошкентдаги конференцияда иштирок этувчи АҚШ делегацияси таркибини кўриб чиқаётганини” маълум қилгани ҳолда, мазкур конференцияни қўллаб-қувватлаганини қайд этди.

Сингапурда нашр қилинадиган нуфузли “Today” газетаси ҳам ушбу форум якуни бўйича қабул этилиши кутилаётган Афғонистон бўйича Тошкент декларациясига алоҳида ургу берган. “Хужжатда қуролли муҳолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилинишига ва терроризмнинг хар қандай шакл ҳамда кўринишини қоралашга даъват ўз аксини топади”, дея ёзилади нашрда.

«Жаҳон» АА.

куйи палатадаги фракцияси ушбу Мурожаатни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, мамлакатимизда тўй маросимларини ўтказишнинг ҳуқуқий меъёр ва мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда уни кенг жамоатчилик муҳокамасидадан ўтказиш мақсадида мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бу, ўз навбатида, жамиятда кескин табақаланишининг олди олиниши, ижтимоий адолат қарор топишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тинч-осойишта юртимизнинг ҳар бир фуқароси тўй-маъракаларни юксак маънавий мезонларга муносиб тарзда ўтказишга, белгиланган меъёрга қатъий риоя этишга масъулдир. Зеро, тўйлар, бу — шунчаки кўнгилочар базм эмас, балки халқимизни бирлаштирадиган, одамлар ўртасида ўзаро аҳиллик ва меҳр-мурувват тўйларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қадриятдир.

Ёрматот ХОЛИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУФ

Президентимизнинг “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Меҳру мурувват, саховат — чин инсоний фазилатлардан саналади. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган янгиланишлар замирида худди шу хислатлар мукассам, десак, мушолақа бўлмайди. Чунки кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларни уй-жойли қилиш, энг чекка ҳудудларда ҳам аҳоли учун тиббий хизмат сифатини яхшилаш, чет эллик машхур шифокорларнинг мамлакатимизга келиши, қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, кексаларга эътибор, имтиёзлар, таълим-тарбия соҳасидаги туб бурилишлар — буларнинг барчаси инсон қадрини улуглашга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

ҒАМХҲҲҲҲҲ

Ана шундай эзгуликлар қаторида Президентимизнинг 2018 йил 16 мартдаги “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам ўзида инсонга бўлган меҳрни, бемисл саховатни ифода этади. Мухбиримиз ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва ҳаётий аҳамияти ҳақида соҳа мутахассислари фикрлари билан қизикди.

Зариф ИБДУЛЛАЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси асаб касалликлари ва тиббий психология кафедраси профессори:

— Ушбу ҳужжатда жуда муҳим вазифалар қатори аҳолининг руҳий соғлигини тегишривдан ўтказиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни профилактика қилиш, уларга тахшис

қўйиш, даволаш, парваришлаш ҳамда тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш каби масалалар қамраб олингани алоҳида эътиборга молик. Чунки инсон ҳаёти давомида турли руҳий ҳолатларни бошидан ўткази-ди. Айниқса, бугунги тезкор замон, глобал ахборот оқими инсон бардо-шини синовдан ўтказётгандек гўё. Шу боисми бугун “Кечагина соппа-ос юрдувди-я” ёки “Уни ташвишлар йикитди”, деганга ўхшаш гаплар қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Зотан, барча касаллиқнинг илдизи асаб билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, мазкур қарор асосида мана шундай ҳолатларнинг имкон қадар олдини олиш, жойлардаги махсус шифоконларни таъмирлаш, моддий-техника базасини муста-ҳкамлашга эътибор қаратилиши аини муддао бўлди.

Хужжатда, шунингдек, 2018/2019

ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида “психиатрия” йўналиши бўйича магистрларни тайёрлаш юза-сидан олий тиббиёт таълим муассас-саларига қабул квоталарини ошириш назарда тутилгани тизимда кадрлар-га бўлган эътиёжни бартараф этишда муҳим омил бўлиб ҳисоб қилади.

Пўлат ЧИМБОЕВ,
Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори ўринбосари:

— 2017 йил 26 июнь. Давлатимиз раҳбари ўша куни бизнинг муассасамизга таширф буюрган эди. Мамлакатимиз раҳбари шифохона-да беморларга муносиб шароитлар яратиш, шифоконнинг ташқи ҳамда ички кўринишини тартибга келтириш, бу ерда ишлаётган тиббиёт ходим-ларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Мазкур қарорнинг имзоланиши сўз ва амал уйғунлиги-нинг ёрқин ифодасидир. Қарорда психиатрия хизмати муассасаларининг айрим йўналишларини соғлиқ-ни сақлаш тизимининг хусусий секторига ўтказиш, аҳолига психи-атрия ёрдами кўрсатишда давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини ривож-лантириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ушбу ҳужжатга асосан, психиатрия муассасалари ҳудудда даволаш-меҳнат терапия-си учун руҳий бузилишларга чалин-ган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни янги мутахассис-лик бўйича ўқитиш ва уларни иш

билан таъминлаш мақсадида даво-лаш-ишлаб чиқариш қорхоналари давлат-хусусий ҳамкорлиги асосида ташкил қилинади. Хорижий мамла-катларнинг етакчи клиникалари ҳамда тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш орқали аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза этиш бўйича халқаро стандартлар стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Санам РАЖАБОВА,
Тошкент шаҳри, Чекланбод туманидаги имконияти яхшиланган болалар учун мўлжалланган 103-мактаб-интернат директори:

— Муассасамизда 286 нафар болага таълим-тарбия берилади. Уларнинг 196 таси ота-онаси билан яшайди, қолгани Мехрибонлик уй-лари тарбияланувчиларидир. Аммо ота-онаси борларнинг айримлари шанба ва якшанба қунлари, яъни дам ишчи қунларида ҳам бу ердан кет-гиси келмайди. Чунки оиласи носоғ-лом. Ичкиликка ружу қўйган отанинг қасофати, оиладаги носоғлом муҳит бола руҳиятига шикаст етказиб бўлган. Фарзанд ўз-ўзидан ақдан ёки руҳан заиф бўлиб қолмайди. Бунда ота-оналарнинг оилада ўзларини ту-тишлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари туриб-ди. Шу боис давлатимиз раҳбари-нинг мазкур қарориди беморларни нафақат даволаш, уларга муносиб шароит яратиш, қолаверса, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини

таъминловчи ҳуқуқий базани тако-миллаштириш, психиатрия муассас-аларининг, шунингдек, улар бўли-маларининг моддий-техника базаси-ни янада мустаҳкамлаш, уларни тиб-биётнинг замонавий асбоб-ускуна-лари ҳамда техникалари билан жиҳозлашга эътибор қаратилиши улкан ғамхўрликдир.

Хуришда ХАЛИЛОВА,
Анджон вилоятининг Кўргонтепа туманидаги “Мурувват” интернет уйи директори:

— Бир оғиз ширин сўз, бир чимдим хайр инсонни руҳанлантириб юборади. Айниқса, муассасамизда-ги болаларга илм муносабат сув ва ҳаводек зарур. Бунда мутахассис-лардан маҳорат, сабр, чинданган ташқари, фидойилик ҳам талаб эти-лади. Болажон халқимиз. Бу фазилат давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганини бугун ҳар биримиз кўриб, хис қилиб турибмиз. Ушбу қарорни ўқиб, кўзларимга ёш келди. Инсон қадри улугланаётгани, ман-фаатлари таъминланаётгани, меҳруб баложонларимиз тақдир доимий эътиборда эканлигидан қалбим қувонгча тўлди.

Беморни қанча эрта даволашга киришилса, оқибати шунча яхши бўлади. Касаллиқни яшириб ёки уялиб, врачга вақтида мурожаат қилинмаса, дард қунайиб, даволаш анча қийинлашади. Шунинг учун киши ўзида бир оз руҳий ўзгариш сезса, дарҳол врач-психиатрга қури-ниши лозим. Давлатимиз раҳбари-нинг “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-рида мана шу жиҳатлар қайд этили-ши жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

«Халқ сўзи» мухбири
Мақсуд ЖОНИХОНОВ
ёзиб олди.

Маънавият

Пойтахт вилоятида ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини такомиллаштириш, китоб савдосини самарали ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

«Китоб дунёси»дан байрам тухфаси

Хусусан, Наврўз байрами арафасида Нурафшон ҳамда Ангрэн шаҳарларидан сўнг Юқори Чирчиқ тумани марказидаги Наврўз маҳал-ласида ҳам “Китоб олами” мажмуи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, ёшларни юксак салоҳиятли, билим ва дунё-қароши кенг инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган китоб дўконлари фаолиятини янада яхшилаш, ҳудудларда янгиларини барпо қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

“Китоб дунёси” масъули-яти чекланган жамияти томонидан очилган маскан 2 мингдан ошқ асарлар билан тўлдирилди. Бу ерда “Жаҳон адабиёти дурдонала-ри”, “Ўзбек адабиёти наму-налари”, “Методик қўлланма-лар”, “Болажонлар учун эрта китоблар” каби бўлим-

лар фаолият кўрсатапти. — Янги мажмуа туман ёшларининг энг сеvimли масканига айланишига ишо-наман, — дейди дўкондан бир даста китоб харид қил-ган коллеж ўқувчиси Чарос Серикбаева. — Янги жамоа-нинг режалари катта экан. Энг кўп китоб ўқиган бола-ларни рағбатлантириш мақ-садида турли ўйинлар ҳамда танловлар, ёзувчи ва шоир-ларни иштирокида давра суҳбатлари, ижодий анжу-манлар, мулоқот ҳамда учрашувлар ўтказилиши бизга маъқул тушди. Қола-верса, интернетга уланган “Электрон кутубхона” ва “Компьютер ўқувчи” хоналари ташкил этилишини аштиб, яна бир қарра қувондик.

Янги китоб дўконининг очи-лиш маросимида қатнашган вилоят хожими Ф. Ибрагимов касб-хунар коллежлари ҳамда мактаб ўқувчиларига Наврўз тухфаси сиф

Умуминсоний қадриятлар куйчиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Қозоғистон Республикаси 2018 йилни мамлакатда Ўзбекистон йили деб эълон қилган. Бу қозоқ эли ҳамда Қозоғистон давлатининг ўзбек халқига, мамлакатимизга ҳурмати, эҳтироми рамзидир. Шу муносабат билан 15 март куни “Остона опера” театрида ташкил этилган тантанادا Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев нуқъ сўзладилар. Айнисқа, давлатимиз раҳбарининг “Биз учун Қозоғистон замонлар ва ҳаёт синовидадн ўтган, куп асрлик дўстлик ва қардошлик ришталари билан чамбарчас боғланган яқин қўшнимиздир”, дея мутафаккир Абайнинг ҳикматли сўзларини ёдга олиши барча-барчани руҳлантириб юборди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевни биринчи даражали “Дўстлик” ордени билан мукофотлагани, ўзбек санъат усталарининг чиқишлари йигилганларга кўтаринки кайфият бағишлагани ҳам қон-қардош халқларимизнинг муносабатлари тобора мустақкамланиб бораётганини ифодалайди.

Қозоқ классик адабиётининг асосчиларидан бири, буюк шоир ҳамда маърифатпарвар Абай (Иброҳим)

Қўнонбоев (1845 — 1904 йлар) чорвадор оиласида туғилди. Ёшлик чоғларида мадрасада ўқиди. Шарқ адабиётининг буюк вакиллари — Фирдавсий, Навоий, Низомий ижоди билан қизиқиб, ўз билимини оширди.

Мазкур қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилган бўлгани кунда Абай Қўнонбоев сингари улуг алломаларнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. Абай Қўнонбоевнинг умуминсоний қадриятлар ҳамда меҳр-оқибат туйғулари юксак пардаларда тараннум қилинган асарларини ўрганиш халқимиз, жумладан, ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Зеро, у насихатларидан бирида шундай дейди: “Агар сен илмга астойдил меҳр қўйиб ўргансан, сенда “Яна кўпроқ билсам экан”, деган муҳаббат пайдо бўлади. Шундагина сен қўнғир қўрган ҳар бир нарсани кўнглингга маҳкам туғиб, ўқиб оладиган бўласан”.

Абай ижоди ёшлик чоғларидан шеър ёзиш ва ўлан айтишдан бошланди. Унинг жуда кўп ўланлари халқ орасида машҳур. Ўз даврининг илгор гоъли эълисли бўлган Абай маърифатпарварлик ҳаракатига бошчилик қилди. У халқни саводхон бўлишга даъват этди. Унинг кўпчилигика номаълум ана бир истеъдоди композиторлигидир. У ўз шеърларига халқ куйлари

асосида мусиқа басталаган. Абайнинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, “Ўланлар” ҳамда “Абай Қўнонбоев” деган ном остида китоблари чоп этилган.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, Абай Қўнонбоевнинг “Сайланма” асарини ҳамда “Ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари” номли адабий-таҳлилий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлаш ҳамда чоп қилиш, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Абай ва ўзбек адабиёти” номли доимий экспозицияни ташкил этиш, ҳар йили шоир туғилган 10 август санасида Тошкент шаҳрида ўрнатилган Абай Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш маросими ҳамда мушоира ўтказиш, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида “Абай асарларининг билимдони” иншолар кўрик-танловини уюштириш, оммавий ахборот воситаларида Абай Қўнонбоев ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида туркум кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар бериб бориш каби эзгу вазифалар кўзда тутилган.

Бундай ишлар икки халқ ўртасидаги азалий ришталарни мустақкамлаш, маънавий-маърифий йўналишда ҳамкорликни қучайтириш, энг муҳими, қардош, дўст, ога-ини бўлиб келган миллиятларнинг бир-бирига меҳр-оқибатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Маҳкам УМАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Эзгуликнинг боқий қўшиғи

Наврўзи олам, ўз моҳи-ятига кўра, элу юртни бир-лаштиради, ҳар бир кишини бунёдкорликка ундайди, яратувчанлик мақсадида бошланган ишларга унум бағишлайди. Наврўз дунёдаги энг қадимги сугорма деҳқончилик маданиятларидан бири шаклланган она-диёримизда юзага келганиги учун ҳам ҳақиқатан ризқ-рўзимиз манбаи бўлган табарруқ заминини севишга, ҳалол меҳнатни қадрлашга, табиат билан инсоннинг ўзаро боғлиқлигини янада тeранок ҳис этишга, қарияларни қадрлашга ўргатиб, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва ҳамкорлик ришталарини янада мустақкамлайди.

Айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 23 февралдаги “2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёрламлар кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори инсоният билан табиатнинг уйғунлиги, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда меҳр-оқибатнинг боқийлиги, бунёдкорлик ва яратувчанлик гоъларини тараннум қиладиган бу байрамнинг моҳиятини тўла акс эттириши ҳамда юртдошларимизнинг кўнглидаги эзгу ниятларига мос келган

лиги билан ҳаммамизни қувонтирди. Бу йил ҳамюртларимиз Наврўзни беш кун мобайнида байрам қилиши ҳам унинг қадимий аъналаридан яна бири тикланганлигининг белгисидир. Чунки қадимий ёзма манбаларда келтирилишича, аждоқларимиз Наврўзни бир ҳафта, баъзи жойларда эса ҳатто бир ой давомида нишонлаган, бунда ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқ навбати билан йилбоши сайилларини ташкил этиб, теварак-атрофдаги кўни-кўшиларини, бошқа маҳалла ва қишлоқларда яшовчи кишиларни тақлиф қилишган. Санъаткорлар, бахшилар, машшоқлар, халқ томоша санъати усталари ана шундай сайилларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, байрамга алоҳида файз киритишган, тадбирларнинг томошабоплиги, ранг-баранглиги ҳамда қизиқарли бўлишига ҳисса қўшганлар. Шу тариқа одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, яқинлик ва ҳамжиҳат

хатлик янада мустақкамланган. Йилбоши сайиллари янги меҳнат мавсумини бошлаб берган. Президентимиз ташаббуси билан барпо қилинаётган “Наврўз” боғи қадимий байрамимиз бўлиб ўтадиган асосий сайилгоҳ, таъбир жоиз бўлса, миллий қадриятларимизнинг ўзига хос барча қиррасини мужассам этган этномаданий боғ бўлади, деб ўйлаймиз. Тўғри, ўтмишда ҳам Наврўз байрами ўтказиладиган алоҳида сайилгоҳлар бўлган ва бундай гўша-

ларда йилбоши шодиёнаси катта кўтаринкилик билан нишонланган. Аммо ҳозир бунёд қилинаётган “Наврўз” боғи ҳар биримизга йил бўйи кўклам таровати, йилбоши сайилларининг тароналари ҳамда миллий аъналаримизнинг энг гўзал қадриятларидан баҳраманд бўлиш имконини берадиган сўлим оромгоҳга айланиши, шубҳасиз.

Наврўзнинг асли моҳияти бу байрамнинг меҳр-мурувват, оқибатлилик, яхшилик, эзгулик, яратувчанлик, бунёдкорлик, саҳийлик, кут-барака ва оила хотиржамлиги гоълариди-



Ҳасан ПАЙДОВ оғлон сурат.

ни ўзида мужассамлаштирганлиги билан белгиланади. Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилганлиги, айниқса, “21 март — Халқаро Наврўз куни” деб эълон қилинганлиги ҳам мазкур эзгу шодиёна жаҳон халқлари тамаддуни ривожидида муҳим роль ўйнаганлигидан далолатдир. Бу байрам миллий қадриятларимизнинг ўзига хос тимсоли ҳам саналади.

Президентимизнинг Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид қарори биз, фольклоршунос олимлар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юқлайди. Зеро, ушбу ҳужжат зукко аждоқларимизнинг табиат тўғрисидаги қадимий тасавурларидан тортиб, бугунги баркамол ёшларимизнинг беназир бадиий-эстетик қарашларигача — барча-барчасини ўзида мужассам этган Наврўз байрамини чуқур тадқиқ қилишимиз учун катта имкониятларга йўл очади.

Маматкул Жўраев,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор.

Маданият

«Ўзбекистон маданий мероси — дунё тўпламларида»

Пойтахтимизда шу номли халқаро мультимедиа лойиҳасининг 2018 йилдаги “йўл харитаси” тақдимоти ўтказилди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда вазирлик ҳамда идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар, халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

“Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида”

халқаро мультимедиа лойиҳаси кенг жамоатчилик ўртасида ўзбек халқининг жаҳон музей, кутубхона ва илмий муассасаларида сақланаётган бебаҳо маънавий бойлигини ўрганиш, уларни кенг жамоатчиликка таништириш ҳамда тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда лойиҳа доирасида жорий йилда амалга ошириллаган ишлар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Буюк Британия, Германия, Россия, АКШ, Туркия, Чехия, Франция ва Япониядаги тўпламлар асосида 20 жилдлик китоб-альбомлар чоп қилинади. Дунёнинг

турли тилларида ёзилган ҳамда жаҳон микёсидаги кутубхоналарда сақланаётган, шунингдек, ўзбек маданиятига оид миллий ва хорижий тўпламлардаги бошқа бебаҳо ёзма ёдгорликлар босқичма-босқич рақамли форматга ўтказилиб, уларнинг факсимиле нусхалари нашр этилади.

Тадбирда юртимиз ҳамда жаҳоннинг йирик музейлари, илмий муассасалари ва кутубхоналарига 1500 донa китоб-альбом тантанали топширилди.

д. йўлдошев.

ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

гречка ёрмаси, янчилган горох, мева шарбати, қуритилган мевалар (таркиби беш хил қуруқ мевалардан иборат бўлган компот учун аралашма), кофе ичимлиги.

Юқорида кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари ГОСТ талабларига жавоб бериши ҳамда гигиена ва мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши лозим.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг.

Етказиб бериш шартлари — буюртмачининг омиборига.

Танлов куйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Тижорат тақлифларини қабул қилишнинг охириги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат этиш мумкин. Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 255-83-00 (навбатчи), 281-43-71.

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

банк филиаллари биносидаги нақд пул ва қимматликлар сақланувчи омборхоналарга 23 (ийгирма уч) донa биометрик кодли кулф ўрнатиш бўйича 2018 йил 27 мартга қадар тижорат тақлифлари қабул қилади.

Тақлиф этилаётган биометрик кодли кулфлар «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг техник талабларига жавоб бериши лозим.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг техник талабларини олиш ва саволлар бўйича мурожаат этиш манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.

Телефонлар: (0-371) 120-45-00, 233-37-12.

Ички телефонлар: 1177, 1179.

Электрон манзил: info@uzpsb.uz, g.nurmatov@uzpsb.uz

Тақлифларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 27 март куни соат 17.00.

Хизматлар лицензияланган.

ЎЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ

2018 йил давомида хом ашё материаллари, жиҳозлар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Батафсил маълумот олиш учун сайт: www.uzbeksteel.uz

Тақлифларни куйидаги манзилга юбориш лозим: 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.

Алоқа учун телефонлар: (+99870) 214-20-99, 214-17-48, 214-14-33, 214-12-40.

E-mail: info@uzbeksteel.uz

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

QISHLOQQURILISHBANK

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

лазерли принтер ва МФУ қурилмаларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Танловда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб бериш ҳуқуқига ҳамда ўхшаш қурилмаларини етказиш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий фирмалар ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1. Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Ахборот технологиялари департаменти, Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Телефонлар: (0-371) 150-76-44, 150-77-32, 150-93-39. Масъул шахслар — Шерзод Султонов, Улуғбек Исломов.

2. Техник талаблар ва танлов шартлари маълумотлари «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ веб-сайтининг http://qishloqqurilishbank.uz/uz/tenders/ манзилида жойлашган.

3. Танлов тақлифларини қабул қилишнинг охириги муддати — **2018 йил 2 апрель куни соат 16.00.**

Хизматлар лицензияланган.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

QISHLOQQURILISHBANK

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

хавфсизлик интернет шлюзи (Web Gateway) ва ахборотлар йўқолишининг олдини олиш (DLP) тизимини ўрнатиш шартлари асосида етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Танловда маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб бериш ҳуқуқига, шунингдек, ахборотлар хавфсизлиги тизимларини етказиш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий ҳамда хорижий фирмалар, ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1. Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Ахборот технологиялари департаменти, Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Телефонлар: (0-371) 150-76-44, 150-77-32, 150-93-39. Масъул шахслар — Шерзод Султонов, Улуғбек Исломов.

2. Техник талаблар ва танлов шартлари маълумотлари «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ веб-сайтининг http://qishloqqurilishbank.uz/uz/tenders/ манзилида жойлашган.

3. Танлов тақлифларини қабул қилишнинг охириги муддати — **2018 йил 2 апрель куни соат 16.00.**

Хизматлар лицензияланган.



«ТРАСТБАНК»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ

Наврўз айёми билан
Ўзбекистон аҳолисини ва юртимиз меҳмонларини
чин юракдан қутлайди!

Қозонларда сумалаклар қайнаётган ажиб ушбу кунда сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайди. Фасллар келинчаги — Наврўзи олам барчангизга хурсандчилик, бахт-омад келтирсин.

Ватанимиз осмони доимо мусаффо, халқимиз ҳаёти чароғон бўлиб, қалбингиз қувончларга тўлсин!

Байрам арафасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки осон ва қулай шартлар асосида истеъмол кредитларини тақдим этади. Бу кредитлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар учун миллий валютада ажратилади.

Истеъмол кредитини расмийлаштириш учун банкнинг барча филиалига ёки батафсил маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: (0-371) 244-14-53, 140-00-88.

www.trustbank.uz

www.facebook.com/trustbank.uz

t.me/trustbank_channel

«Трастбанк» — ишонч билан юзма-юз!

Хизматлар лицензияланган.



«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон
халқимизни баҳор ва янгиланиш байрами —
Наврўз билан муборакбод этади!

Айём муносабати билан «Туронбанк» АТБ миллий валютадаги
«Наврўз» номли муддатли янги омонат турини тақдир этади.

- Омонатни сақлаш муддати — 12 ой.
- Омонатга маблағлар нақд пул ва нақд пулсиз кўринишда қабул қилинади.
- Омонатга ҳисобланган фоизлар миқдор хоҳишига кўра, ойма-ой ёки омонат муддати охирида тўлаб берилади.

www.turonbank.uz
Хизматлар лицензияланган.

99895 144-60-00



Азиз ватандошлар!

«FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси
барчангизни

Наврўзи олам

билан табриклайди!

Сизларга тинчлик-хотиржамлик,
соғлиқ ва фаровонлик тилайди!

Баҳор — янгиланиш ҳамда орзулар фасли.

Ушбу қутлуғ айёмда
орзу-умидларингиз амалга
ошсин ва омад доимо
ёр бўлсин!



zeal NS SEME

«ZAMIN EKO AGRO»
корхонаси Нови-Сад дала ва полиз
экинлари институтида (NS SEME)
етиштирилган донли,
мойли ва озуқа экинларининг
серхосил уруғларини
тақдир этади:

МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ
КУНГАБОҚАР УРУҒЛАРИ
ХАШАКИ ЛАВЛАГИ ВА
ҚАНД ЛАВЛАГИ УРУҒЛАРИ
СОҒО УРУҒИ
БЕДА УРУҒИ

Уруғлар синовлардан
муваффақиятли ўтган ва сифат
сертификатларига эга.

МУВАФФАҚИЯТ
УРУҒЛАРИНИ ЭКИНГ!

Мурожаат учун телефонлар:
(+99897) 738-10-27, 755-02-55,
130-51-21, (+99894) 160-27-24.
Факс: (0-371) 150-15-89.

www.zea.uz

T.ME.AGROZAMIN

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқовчилар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилиш ҳамда оператор
Ж. Тоғоев томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Набатчи — Д. Каримов.

Мусахҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.25 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6